

Эгилувчан қувурлар ёрдамида ғўза суғориш тажрибаси оммалашмоқда

Маълумотларга кўра дунёда сув ресурсларига бўлган талаб ортаётганлиги билан бирга, сувнинг тақчиллиги ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. 2000 йилгача кам сувли мавсум ҳар 6-8 йилда бир марта кузатилган бўлса, охириги йилларда бу жараён ҳар 3-4 йилда такрорланмоқда. Айниқса, дарёларнинг қуйи қисмидаги ҳудудларга бу каби сув тақчилиги кўпроқ таъсир қилиб, экинларни суғоришда тежамкор технологияларни қўллашга бўлган талабни оширмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳам Амударёнинг энг қуйи қисмида жойлашган. Ҳудудда жорий йил сувнинг нисбатан камлиги инobatга олиниб, сув ресурсларидан тежамли ва янада самарали фойдаланиш усуллари қўлланилмоқда. Улардан бири эгатлаб суғориладиган экинларни кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғоришдир.

Ғўзани эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усули қорақалпоғистонлик фермерлар орасида йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Яқинда Амударё туманидаги “Амет Тўраев” фермер хўжалигида эгилувчан қувурлар ёрдамида ғўза суғоришга бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди.

Image not found or type unknown



-Мазкур фермер хўжалиги раҳбари Эркинбой Тўраев ҳамиша янги лойиҳаларни қўллаб, ҳосилдорликни ошириш устида изланадиган фермерлардан, - дейди туман ирригация бўлимининг тежамкор технологиялар бўйича мутахассиси П.Уразбаев. Мана ҳозир ҳам янги технологияларни туманимизда дастлабкилардан бўлиб фермер хўжалигида жорий этиш ташаббуси билан чиқди. Негаки, у ғўзага кам сув, маблағ, ўғит ва кам ишчи кучини сарфлаб юқори ҳосил олишни яхши биладиган тадбиркор фермерлардан ҳисобланади.

Тадбирда таъкидланганидек, янги технология асосида ғўза суғорилса, ўсимликнинг сувга бўлган талабига мос равишта сув етказиб берилади. Далаларга ўқариқ қазишга сарфланадиган ресурслар тежалади. Шунингдек, ўқариқларда филтирланиш ва буғланиш орқали йўқотиладиган сувлар иқтисод қилинади. Энг муҳими, ҳосилдорлик миқдори ва сифати ошади.

Image not found or type unknown



Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилда Амударё туманидаги пахта майдонларини суғоришда сув тежовчи технологияларнинг 3 та усулини қўллаш кўзда тутилган. Яъни, 74 гектар пахта майдонда томчилатиб суғориш, 140 гектар майдонда эгилувчан қувурлар ёрдамида ва 40 гектар майдонни пульсар тизимида суғориш каби тежамкор технологияларни жорий қилиш режалаштирилган.

Image not found or type unknown



Ҳозирги кунгача Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида эгилувчан қувурлар ёрдамида ғўза суғориш тажрибасини қўллаш бўйича кўргазмали семинарлар ўтказилди. Эътиборлиси, экинларни суғоришдаги тежамкор технологиялардан фойдаланиш усуллари ҳудудларда оммалашмоқда.

Ғайратжон ОТАЖОНОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби